Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Қишлоқ ҳаёти

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 6 ИЮЛЬ, сешанба, № 48 (6.004). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

3-саҳифа
Истиқлол ва истиқбол:
1—2 саҳифалар

Терак — ҳаммага керак
Турсуналибой қандай қилиб бой бўлди?
Немис деҳқонининг иш услуби
1—4-саҳифалар
Кечиккан пушаймон

Жумадан сешанбагача

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг биринчи бакалаврларига табрикнома йўллади. «Сиз бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қалдирғочларисиз. Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида ҳар бирингиз муқаддас Ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб яшашингизга ишонаман», дейилади, жумладан, табрикномада.

● Пойтахтдаги «Туркистон» саройида олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичини илк бор имтиёзли диплом билан тугаллаган ёшлар шарафига республика анжумани бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлган ёшлар номига йўллаган табригини олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Бакалаврлик дипломини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев топширди.

● Жиззахда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида баён қилинган ва хулосаларда ҳамда улардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган кенгаш бўлди. Уни республика бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов олиб борди.

● Бухорода аёлларнинг жамият тараққиётидаги ўрни масалаларига бағишланган минтақавий анжуман бўлди. Уни республика Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова олиб борди.

● Навоий вилояти ғаллакорлари давлатга 72 минг тонна дон топшириб, давлат режасини адо этдилар. Ҳосилдорлик гектаридан 26,1 центнерни ташкил этди.

Навоийликлар ялпи хирмонни 77.000 тоннага етказишга аҳд қилишди.

Шунингдек, Уйчи, Тўртқўл, Балиқчи, Избоскан, Асака, Паст-Дарғом, Учқўприк туманлари ғаллакорлари ҳам маррага етдилар.

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Тараққиёт» қишлоқ хўжалик кооперативи ғаллакорлари бу йил 363 гектар ерда деҳқончилик қилишган. Режаси — давлатга 850 тонна дон топшириш. Айни паллада хўжаликда ўрим-йиғим ишлари авжига чиққан. Айниқса ота-бола комбайнчилар — Ваҳоб ва Ҳасанбой Ёрбековлар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

УИМБЛДОН ТУРНИРИНИНГ ҚИЗЛАР ОРАСИДА ҒОЛИБИ

Ирода Тўлагановага

Қизим Иродахон!

Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида ғолиб бўлганинг ҳақидаги хушхабарни эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу ғалабанг барча ватандошларимиз қалбида фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шон-шуҳратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади.

Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равнақ топаётган катта теннисчинг вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариб борасан.

Сенга сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамиша ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

* * *

Куни кеча Англиядан хушхабар келди. Ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова Уимблдон турнири доирасидаги 18 ёшгача бўлган ўсмир қизлар баҳсида ғолиб чиқди. Ғолиблик шоҳсупасига қадар Ирода олти учрашувда катта устунлик билан рақибларини мағлуб этди. Финал учрашувида эса И. Тўлаганова россиялик Л. Краснопрудскаядан 7/5, 6/4 ҳисобида устун келди ва турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

СЕРГАКЛИК БОР ЖОЙДА АДОЛАТ УСТИВОР

Эшитиб ёқамни ушлаб қолдим, баъзи бир муттаҳамлар айрим маҳаллалардаги ҳалол ишлаб, ҳалол яшайдиган инсонлар хонадонига ҳар хил варақалар ташлаб кетибди. Бу кимнинг иши? Уларнинг мақсади нима? Ушбу саволларнинг жавоби битта. Улар телба кишилар. Мақсади — ҳокимият тепасига келиш, халқни зулукдек сўриш, қонини ичиш ва ўзлари роҳат-фароғатда яшаш. Минг афсуси, уларнинг кўпчилиги шу пайтгача ичимизда яшаб келган. Демак, ички душмандан доимо эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Президентимизнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида ушбу масала аниқ белгилаб берилганлиги айни муддао бўлди.

...Арғамчига қил ҳам қувват дейишади. Агарда биз ҳам қилчалик куч ва имкониятимизни юртимиз келажаги учун сарф қила билсак, марра бизники. Шу билан давлатимизнинг бугунги одилона хатти-ҳаракатини тўғри тушунган бўламиз. Ўзимдан қиёс — мен оддий боғбон сифатида Ватанимиз келажаги учун қўлимдан нима келса шуни қилишга тайёрман. Юртимиз тинчини бузиш учун ҳаракат қилаётган шахслардан жирканаман. Биламанки, ёвуз куч ҳеч қачон ўз мақсадига эриша олмайди. Бироқ шу юрт шуҳрати, фарзандларимизнинг камоли учун барчамиз доимо сергак бўлмоғимиз шарт.

Йўлдошали ЖЎРАЕВ,
боғбон, Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани.

* * *

Яқинда телевидение орқали намойиш қилинган «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини кўриб, бутун вужудим ларзага тушди. Ҳаётда одам боласи очликка ҳам, йўқликка ҳам чидаши мумкин. Бироқ Ватанга хиёнат қилишга, ватандошларининг умрига зомин бўлишга, ризқини қирқишга асло тоқат қилиб бўлмайди. Мен бундай ғаламис, хоин, сотқин кимсаларни инсон деб аташга ор қиламан. Шундай ватани бўлатуриб айрим итюрак, очкўз кишиларнинг фирибига учган замондошларимизнинг ҳаётига ҳам ачинаман ҳамда нафратланаман.

Ҳаёт яралибдики, оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган бир гап бор: жиноятнинг жазоси муқаррар. Бу жуда тўғри гап.

Қўшон АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани.

* * *

Дунёда оналар кўз ёши тўкмасин экан. Телевиденіеда «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини кўриб ўтириб, фарзандидан, ёри-жигарбандидан бевақт жудо бўлган оналар билан биргаликда қўшилиб йиғладим. Шу юртнинг еридан, сувидан, ҳавосидан баҳраманд бўлиб, тузини еб тузлуғига тупурган Ватан хоинлари, манфур кимсаларга нисбатан нафратим ошгандан ошди.

Бу фильм февраль воқеаларининг асл сабабчилари, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган оламжаҳон ишларни кўролмаётган, ичи қора, нияти бади қора кимсаларнинг жирканч башараларини фош этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу билан биргаликда бу асар бизни яна бир бор огоҳликка даъват этади. Мустақиллигимизни, салкам саккиз йил мобайнида қўлга киритган муваффақиятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, она юртимиз эртанги равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом, эл-юрт ишига фидойи, комил инсонлар қилиб тарбиялашга чорлайди.

Мен бир она, умр бўйи дала ишида юрган оддий деҳқон сифатида юртимизда доимо тинчлик бўлсин, оналар ҳеч қачон кўз ёши тўкмасинлар дея ният қиламан.

Азиза БОЙБОБОЕВА,
Наманган вилояти
Поп туманидаги
«Машъал» жамоа хўжалиги
фахрийси, кўп болали она.

* * *

Ушбу ҳужжатли фильмини томоша қилар эканман, оғир ўйларга толдим. Ватангадоликда юриб, киндик қони томган муқаддас заминга шум ният билан қараётган, бу ерга террорчи ва қотилларни йўллашга уринаётган кимсалар кирдикорларидан қаттиқ таъсирга, қаҳр-ғазабга келдим. Нега шундай бўлди? Нега инсон зоти шу қадар қабиҳ ишларга қўл уради?..

Назаримда бу саволлар ҳар биримизни ҳар дақиқада ўйлантирмоғи зарур. Бинобарин, халқимиз орасида маънавий тарғиботни, айниқса ёшлар ўртасида тарбияни кучайтиришимиз лозим, токи мусаффо, муқаддас заминимизда бундай шумғиялар асло унмасин.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
журналист,
Навоий вилояти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Биз — мустақил Ватанимизнинг биринчи бакалаврларига йўллаган табрикларидан қалбимиз қувончга тўлди.

Шуни алоҳида ва мамнуният билан якдил таъкидламоқчимизки, биз ёшлар ҳақиқатдан жуда бахтлимиз. Ўтган тўрт йил давомида истиқлол туфайли ўз Ватанимизда бакалавриат йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таълим тизимидан баҳраманд бўлдик. Қўлимизга ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилди. Билдирилган ишончни она-Ватанимизга бўлган кучли эътиқодимиз ва ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга сўз берамиз.

«Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмида тасвирланган ҳодисалар — биз ёшларни ҳамиша сергак бўлишга, Ватан осойишталигини кўз қорачиғидай асрашга ундайди. Биз барча тенгқурларимизни ҳушёрликка чақирамиз.

Бобур ЭСОНОВ,
Азамат ҚОСИМОВ,
Рустам РАИМОВ,
Зикирбой ОБЛОМУРОДОВ,
Тошкент молия институти бакалаврлари.

ЎҒЛИНГИЗГА АТАБ ТЕРАК ЭККАНМИСИЗ?

Мавзу

Табиат — ҳаёт онаси. Унинг саховати чексиз. У беминнат хизмат қилиб, ҳавони тозалаб берадиган наботот олами, оби-ҳаёт—зилол сувлари, дилга ҳузур, танга роҳат бағишлайдиган сержилва боғроғлари, азим тоғлари билан гўзал.

Инсон эса ана шу сирлисиноатли табиат фарзанди, унинг олий маҳсули, энг улуғ мўъжизаси. Унга ғўзалликдан баҳраманд бўлиб яшашдек имконият ва бахтни ҳам табиат инъом этган. Шу боис биз ҳамиша ва ҳамма вақт она боғрига талпингандек, тароватли табиат қучоғига, ҳаётимиз рамзи ҳисобланган ям-яшил оламга интилиб яшаймиз.

Лекин фарзаднинг она олдида катта ва бир умр узиб бўлмас қарзи бўлганидек, инсон ҳам жонажон табиат олдидаги бурчи, маъсуллиги беқиёс ва беўлчовдир. Бас шундай экан, табиатни янада яшнатиш, уни яшилликка бурканш, чиройига-чирой қўшиш, саховати ва салоҳиятини ошириш — ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Табаррук заминимизнинг нақадар ғўзаллиги ва биз учун ниҳоятда қимматли эканлигини республикамиз мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатаётган бугуни кунда ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ, теранроқ ҳис этиб туribмиз.

Серқуёш ва фусункор ўлкамизнинг янада кўркам, табиати мусаффо ва сўлим бўлишида, мўл-кўлчилик масканига айланишида кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир кишининг муносиб ўрни, ибратли улуши бўлиши керак.

Гарчи она табиатимиз ҳақида сўз юритаётган эканмиз, унинг бебаҳо бойлиги, бош хазинаси ҳисобланган ўрмонларнинг инсонга туфҳалари беҳисоблиги, у нафақат ноз-неъматлар кони, айни чоғда ҳавоси тоза, сўлим ормонлигини ҳам

(Давоми 2-бетда)

ТЎҚСОН МОЛЛИ ТУРСУНАЛИБОЙ

«Қишлоқ ҳаёти» танловига

ЁКИ КИРОЙИ ФЕРМЕР ШУНДАЙ БЎЛСА

Қирқ-йигитлик ёши, деган эди аллома шоир Алишер Навоий ўз асарларидан бирида. Шу маънода Турсуналига нисбатан юқоридаги сарлавҳани қўлласак хато бўлмаса керак. Чунки у эндигина 29 ёшга тўлди, аммо фикрлаши, қилаётган ишлари чинакам йигитларга хос. Ҳозир унинг 45 бош қорамоли, 20 бош қўйи, беш бош оти, 20 бош бузоғи бор. Бундан ташқари 100 та товуқ ҳам боқмоқда.

— Асли касбим сартарошлик, — дейди Пахтачи туманининг Қ. Ражабов жамоа хўжалигидаги «Алмат» фермер хўжалиги раиси Турсунали Ризаев суҳбат чоғида. — Республикамиз мустақилликка эришган йили фермер хўжалигини ташкил этган эдим. Янглишмаган эканман. Тўғри, бир-икки йил эплаб кетарманикан, деб ўйланиб юрдим. Кунларнинг бирида телевизор кўриб ўтириб, юртбошимизнинг сўзларини эшитиб қолдим. «Таваккал билан дадил ҳаракат қилинглар, тадбиркорларни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз», — деганди ўшанда Президентимиз. Ана шу гаплар менга далда бўлди. Ойликка қаноат қилиб, юрган эканмиз. Гап бу ёқда экан. Табиатни қаранг, ёзда келсангиз, қимиз тайёрлаб бераман.

Шундай деб Турсунали отлар ҳақида гапириб кетди. Энди от олганида устидан йиқилиб кетганлиги, қорабайрнинг абжирлиги, Туркманистондан олиб келган саманини юз минг сўмга ҳам сотмаслиги, хуллас, бир-биридан чопқир ушбу жониворларнинг учқурлиги

(Давоми 2-бетда)

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ НЕМИСЧА УСУЛИ

Азиз муштарий! Газетамиз саҳифаларида бугундан эътиборан яна бир янги рукн очилди. Унда чет элларда деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида олиб борилаётган ишлар, илғор тажрибалар ҳақида олим ва мутахассисларнинг қизиқарли мақолалари эълон қилиб борилади.

Янги рукн тақдимоти
БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Биз, бир неча мутахассислар, Германия техника ҳамкорлиги жамияти ҳомийлигида яқинда у ерда бўлиб унинг қишлоқ хўжалиги билан танишдик.

Шарқий Германияда Социалистик иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтказиш модели 1990 йилларда ишлаб чиқилди. Шу модел асосида Германия бирлаштирилгандан кейин қишлоқ хўжалигини адаптация қилиш (мослаштириш, қуниктириш) қонуни қабул қилинди. Давлат ерни кооператив хўжаликлар ва фермерларга ижарага бериш йўлини танлади. Кўпгина жамоа хўжаликлари тубдан янгича бўлган кооператив хўжаликларга айлантирилди. Гап шундаки, аввалданоқ деҳқонларга ер майдони ёки тўлов таклиф этилди. Баъзилар бошқа соҳаларда ишлашни ёки мустақил фермер хўжалиги ташкил этишни афзал билдилар. Лекин кўпчилик деҳқонлар кооператив хўжалик ташкил этишни ва унда ишлашни маъқул топдилар. Бу эса кооперативга ҳам, деҳқонга ҳам анча қулайлик туғдиради. Шундай қилиб кўп тармоқли йирик кооператив хўжаликлари ташкил топди. Лекин уларда ишловчиларнинг сони аввалги жамоа хўжаликларига нисбатан анча камайди. Кооперативларда фақат қишлоқ хўжалигини яхши тушунадиган жонкуяр кишилар ҳамда керакли тузилмаларгина қолдирилди. Кооперативни

(Давоми 2-бетда)

СЎНГГИ ПУШАЙМОНГА ҲОЖАТ ҚОЛМАСИН

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисмида кўрсатилган боскинчилик жиноятини содир этганликда айбланиб қидирилаётган Эргаш Мирҳамидов ва Тўхтасин Мирҳамидовларни яқинда ота-оналари Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келиб топширдилар...

Жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтириб вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ва Қўқон шаҳар прокуратураси, шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказишган яхши тадбир самара берди.

Натижада жиноят содир этиб ширириб юрган Тальят Алишеров, Ҳасан Усмонов, Наримон Аҳмедовлар қўлга олинди.

Бундан ташқари қидирилаётган жиноятчиларнинг олтмишдан ортиқ ота-оналари, яқинларини ҳузуримизга таклиф этиб, тушунтириш ишлари олиб бордик. Фарзандларини топиб олиб келиб ички ишлар идораларига топширишлари хусусида суҳбатлар ўтказилди. Натижа кутилганидан зиёда бўлди. Қотиллик, фирибгарлик, ўғирлик жиноятини содир этганларнинг 3 нафари гунаҳини бўйнига олиб ўзлари бош эгиб келдилар.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра бугунги кунда дунё миқёсидаги жиноятларнинг етмиш фоизидан ортиғи наркотик моддалари билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда. Аввалари Ўзбекистон учун бу иллат деярли бегона эди. Афсус билан қайд этамизки, бугунги кунда пойтахтдан то чекка қишлоқларгача гиёҳвандлик иллати ораламоқда. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш оғир жиноятларни содир этилишига, инсон зурриётининг бузилишига,

(Давоми 4-бетда)

КЕЛАҒУСИ СОНДА:

Мавзу: Тадбиркор нега тадбир тополмади?

Рукн тақдимоти:
Ғўзаллик ҳақида баҳс

«Занжирбанд шер» — Мирмуҳсиннинг янги романи

ТЎҚСОН МОЛЛИ ТУРСУНАЛИБОЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

тўғрисида тўлқинланиб сўзлай бошлади. Дарҳақиқат, ҳозир тўйларда кўпкари, кураш удум бўлмоқда. Собиқ Шуро тизимидан қолган тўйлар, яъни спиртли ичимликлар билан ўтказиладиган, кўп ҳолларда сархуш йигитлар ширакайф бўлиб, бир-бири билан уришиб-жанжаллашиб қоладиган тўйларга барҳам берилмоқда.

Қизбиби тоғ адирларига тикилар эканмиз, беихтиёр хаёлимиздан ана шунга ўхшаш фикрлар ўтади. Истиқлол шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас оламиз, яратганга шукроналар айтамиз. Ана адир этакларида Турсуналининг отаси — Рустам бобо отга миниб мол боқиб юрибди. Бу заҳматкаш инсоннинг ибора билан айтганда, суяги меҳнатда қотган. Пахтада ишлаб болаларини вояга етказди. Касалманд бўлиб қолган эди, шу адирларни кезиб, анча шифо топди. Яйлов кезиш бир гаштли, ундаги ўт-ўланлардан еган сигирлар сути-қатиги, отлар қимизи, ўнлаб хилдаги дорилардан юз карра афзал.

Фермер хўжалиги аъзолари бутун баҳор мобайнида жониворларни яйловда яйратиб боқишади. Яйлов яқинидаги янгидан ўзлаштирилган уч гектар ерга беда экилган. Уч гектар жойдаги ғалла саранжомлаб олинган, сомони беда билан аралаштирилиб, қишга ғамлаб қўйилади. Бултур давлатга 14 тонна сут, турт тонна пахта, икки тонна ғалла топшириб, шартнома шартларини бажарган тадбиркорларнинг жорий йилдаги режалари янада улкан. 18 тонна сут, олти тонна ғалла етказиб бериш учун Турсунали, унинг рафиқаси Гулнора, Рустам боболар фидокорона меҳнат қилишаяпти.

— Турсуналининг ҳисобида ҳозир бир миллион сўмдан ошиқ маблағ бор, — дейди туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бош ҳисобчиси Шамсиддин Худойбердиев. — Жамоа хўжалигига 450 минг сўм қарз берган. Қолган маблағига сутни қайта ишлайдиган цех очмоқчи. Топшираётган сути ёғлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун «Пахтачисут» ҳиссадорлик жамияти томонидан бир неча бор тақдирланган. Турсунали мактаб, боғча болаларига саҳоват ҳам кўрсатиб туради.

Фермер ҳузуридан қайтар эканмиз, қишлоқ аҳлининг дастурхони янада тўкин-сочин бўлиши, серқуёш диёримизнинг гуллаб-яшнашига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Дашт ерларга сув чиқазиб, деҳқончилик қилаётган, неча йиллардан буён фойдаланилмасдан келинаётган адирларда чорвачилик, паррандачиликни ривожлантираётган, изланиб, имконият топа билаётган Турсунали ва унга ўхшаш қалби Ватан ишқи билан ёнган оловқалб ёшлар билан бир юртда яшаётганимиздан фахрланиб кетдик.

Эгамназар ТОНҒОТАРОВ.



Зафаробод туманидаги Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Барлос» деҳқон фермер хўжалиги барча соҳаларда ўзига хос ютуқларга эришиб келмоқда. Бунда жамоа механизатори Қаҳрамон Мусаевнинг хизматлари айниқса катта бўлаяпти.

Суратда: Қ. Мусаевни кўриб турибсиз.

Е. БОТИРОВ сурати.

ЎҒЛИНГИЗГА АТАБ ТЕРАК ЭККАНМИСИЗ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Шу боисдан ҳам Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида «Ўрмон тўғрисида» махсус қонун қабул қилинганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга. Унинг бандларида республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари, талаб ва эҳтиёжлари, экологик ҳолати атрофлича қамраб олинган бўлиб. бу — мамлакатимизда ўрмончиликни янада ривожлантириштек ҳайрли ишга катта эътибор қаратилаётганлиги эътирофидир.

Ўрмонлар ёғоч бозори чаққон бугунги кунда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, терак—серҳосият дарахт. Қаерда теракзор барпо этилган бўлса, ўша жойнинг кўркамлиги кўзни қувнатади, кишини ҳайратга солади. Унинг янада муҳим жиҳати борки, тераклар тез ўсувчи дарахт бўлиб, нисбатан қисқа вақт мобайнида нафи тегиши, яъни ёғоч сифатида қурилишда кенг фойдаланишидир.

Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, халқимиз азалдан силлиқ терак ўстириб, унинг соя-салқинидан баҳраманд бўлиб, етилганида кесиб, иморат қуришда ёғоч-тахта сифатида ишлатиб келган. Оилада ўғил туғилса яхши ният билан терак ўтқазиш одат тусига кирган. Лекин, афсуски, кейинчалик бу анъана, удум унутилди. Республикамиз мустақилликка эришгач, бунга муҳим масала сифатида қаралганлиги эса кўнгилдагидек иш бўлди.

Эсингизда бўлса, республикамиз ҳукумати бундан 5 йил муқаддам диёримизда теракзор, қарағайзор ва ёнғоқзорларни барпо этишга оид махсус қарор қабул қилган эди Бу — ўз вақтида қабул қилинган муҳим дастур бўлиб, унда 2003 йилгача бўлган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, вазирлик ва идораларга катта-катта майдонларда теракзор, қарағайзор ҳамда ёнғоқзорлар барпо этиш вазифаси юкланган эди.

Тўғри, сўнгги йилларда жойларда ҳукуматимизнинг бу қарорини бажариш юзасидан талайгина ишлар бажарилди. ЖУмладан, Қўқон ўрмон хўжалига кенг майдонларда теракзорлар барпо этилди. Наманган ўрмон хўжалигида ҳам бу борада ибратли тадбирлар амалга оширилди. Кўпгина вилоятларда аҳолининг шахсий томорқаларида терак ўстириш йўлга қўйилди.

Лекин, бу ишларни ҳали талаб даражасида, деб бўлмайди. Агар мамлакатимиз ҳудудининг беш фоизини ўрмон ташкил этганлигини назарда тутиб фикр юритадиган бўлсак, бу борада олдинда бажарилган ишлардан кўра амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар талайгина. Ўлкамизни яшилликка буркаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, бир қатор вилоятларда яшил дарахтлар аҳоли сонига нисбатан бор-йўғи 1—1,5 фоизни ташкил этади. Бу — табиатга алоҳида меҳр кераклигидан, ҳали мақташга арзийдиган ўрмонларимиз йўқлигидан, борларига ҳам эътибор камлигидан далолат.

Икки оғиз ёнғоқ ҳақида. Унинг меваси танга роҳат, белга қувват. Мутасадди олимларнинг маълумотларига қараганда, ёнғоқ туйимлилиги жиҳатидан мол гўштидан етти маротаба устунликка эга. Меваси эса кўп мевалардан анча юқори.

Сўнгги йилларда ёнғоқ етиштиришни кўпайтиришга, бунинг учун жойларда махсус ёнғоқзорлар барпо этишга киришилди. Бу яхши. Лекин бу борада ҳам ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида, жумладан Самарқанд, Жиззах вилоятларида кенг майдонларда ёнғоқзорлар ташкил этиш мумкин. Агар кўпчилик бу хайрли ишга маъмурчилик дарёсини бунёд этишнинг бир жилгаси сифатида қараса, вилоят, туман ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, касаба уюшмалари ва маҳалла фаоллари унга бош-қош бўлишса, ўзланган мақсадга эришилиши турган гап.

Энди тут хусусида тўхталсак. Халқимизда: «Бир йил тут эккан қирқ йил дур теради» деган нақл бор. Дарҳақиқат, бу шифохўш неъмат ҳам табиат эҳсони бўлиб, танани ёриатади, қалбакка куч, иликка дармон бахш этади.

Аввалари тут дарахти ҳар бир ҳовлида бўлмаса-да, ҳар иккисининг бирида ўстириларди. Энг кўп экиладиган ва меваси суюб тановул қилинадиган дарахтлардан бири ҳам ана шу тут ҳисобланади.

Бироқ, сўнгги бир неча ўн йиллар давомида бу дарахт тури ҳам эътибордан четда қолди. Эндиги вазифа пиллачилигимизнинг асосий озуқа манбаи ҳисобланган ва меваси кенг истеъмол қилинадиган, танаси эса бешик, мусиқа асбоб-ускуналари ясашда асқотадиган, хуллас, турган-битгани хазина саналган тут дарахтларини кўпайтириш, тутчиликни бутун чоралар билан ривожлантиришдан иборат.

Терак, қарағай, ёнғоқ, тут, бодом сингари дарахтларни нафақат ўрмонзорларда, жамоа хўжаликларининг ерлари ва тормоқларида, балки йўл четларида, ариқ, канал ва сув ҳавзалари атрофларида, шаҳар, туман марказларида, ташкилот, муассаса, маҳалла, мактаб, шифохона, болалар боғча-яслилари ҳовлиларида ҳам ўстириш имкониятлари бор. Шундай иш тутилса ҳам дилтортар, кўнгилочар, хушманзара ва соя-салқин гўшаларга, ҳам тансиқ неъматларга эга бўламиз.

Яна бир гап. Сир эмаски, баъзи кишилар табиат манзарасига «маҳлиё» бўлиб, даладаштлар ва тоғларимиз бағрида, ўрмонларда сайру саёҳат қилишади. Гўзал ва серсаховат табиат қучоғида дам олиб, ҳордиқ чиқаришар экан, ўзларидан «эсдалик» қилиб шиша, темир қутича, салафан қоғоз, картон ва бошқа нарсаларни ташлаб кетишади. Айримлари сервиқор дарахт танасига ўз исм-шарифларини ўйиб ёзиб қолдиришади. Шоҳ-шаббаларини синдириб, нодир ва ноёб дов-дарахтларга озор беришади. Меваси пишиб етилмасданоқ қоқиб, ерга тўкиб, нест-нобуд қилишади. Уволи эканини асло хаёлларига ҳам келтиришмайди. Уйиндан ўт чиқаришиб, ўрмонга ўт кетказишади. Бундай «ғўзаллик шайдолари»ни она бағрига жароҳат етказган ноқобил фарзандларга қиёслагинг келади.

Модомики, биз табиат фарзанди, табиат инъом этган ғўзаллик шайдоси эканмиз, уни кўз қорачиғидек асрай билишимиз, заррача бўлса ҳам зарар етказмаслигимиз, атрофмуҳитни покиза сақламоғимиз, табаррук заминимиз либоси, бебаҳо зийнатимиз ҳисобланган ўрмонларни авайламоғимиз, экологик ҳолат қонун-қоидаларига қатъий риоя этмоғимиз даркор. Зеро, табиатни эъзозлаш-Ватанни эъзозлаш демакдир.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ НЕМИСЧА УСУЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ижарачилар йиғилиши раиси бошқаради.

Мисол учун, биз танишган кооператив хўжалигининг 4275 га ери, қишлоқ хўжалик машиналари, трактор парки, 1500 бош зотдор сигирлари, 10.000 бошдан ортиқ чўчқаси, шунингдек, картошка сараловчи, уни сақловчи механизмлари, омборлари бор экан. Ғалла ҳосилдорлиги бу хўжаликда 60 центнер атрофида бўлса, Бранденбург Ери бўйича гектарига ўртача 44—50 центнерни ташкил этади. Хўжаликда суюқ маҳаллий ўғитдан, бегона ўтларга қарши гербицидлардан кенг фойдаланилади. Фермаларда ишлар тўлиқ механизация ва автоматлар зиммасига юклатилган. Сигирлар фақат сунъий усулда урчитилади.

Тажриба участкасида 6—7 хил буғдой навлари 1—2 гектар майдонда экилган бўлиб, муттасил ҳар йили кузатиш олиб борилади. Қайси нав яхши натижа берса, ўша нав экилган майдонлар кенгайтирилади. Экиш, ишлов бериш, ўрим-йиғим, ишлари тўлиқ механизациялашгани боис олинаётган ҳосилнинг таннархи арзон. Хўжалик даромади, деҳқонлар маоши ва ижарачилар оладиган дивидендлар эса катта.

Бундай хўжаликлардан ташқари Шарқий Германияда ер майдонлари 150—200 гектарни ташкил этадиган мустақил фермерлар ҳам талайгина. Ҳозирги вақтда Бранденбург Ерида 96 фоиз ер майдонлари ижарага берилмоқда. Шу билан бирга хоҳлаган деҳқон ерни сотиб олиши ҳам мумкин.

Бутун Германия бўйича ер 100 балл шкала бўйича баҳоланади. Шундай шкалага кўра Бранденбург ерлари 30—40 баллга эга. Федерал ҳукумат томонидан бу ердаги хўжаликларга талайгина миқдорда компенсация ажратилади. Банклар қишлоқ хўжалиги ходимларига янги технология, қурилиш ишлари ва техникалар сотиб олиш учун маълум кафолат асосида 1 ёки 2 йил муддатга кредит ажратади. Гарант бўлмаган тақдирда, масалан, янги фермер учун гарант давлат ҳисобланади.

Потсдам яқинидаги фермер хўжалиги иши билан танишдик. Унинг 200 гектар майдони, «Класс» дон йиғиш комбайни, «Штерн» типидаги 2 трактор, дон экиш сеялкаси, плуглари, донни тозаловчи қурилмалари, шунингдек янги сабзи, карам ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш дўкони ҳамда сақлаш омбори бор. Хўжаликда ота ва ўғил, она ва келин ҳамда вақтинчалик ишга олинган яхшигина маош олувчи 2 нафар украиналик ёлланма ишчи ишлайди. Ҳисоб-китоб ишлари билан она, маҳсулотларни сотиш ва шартномалар тузиш билан ота шуғулланади. Ўғил эса механизаторлик вазифасини бажаради. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари жуда намунали сақланади. Баъзилари эски бўлганига қарамай яхши созлангани учун юқори сифат билан ишлайди. Банкдан кредит олиш эвазига ўтган йили янги «Класс» типидаги дон йиғиш комбайни сотиб олинган.

Аввалги қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва уларни таъмирлаш ташкилотлари ўрнига техник хизмат кўрсатувчи кооперативлар ва фирмалар ташкил этилди. Улар хўжаликлар билан шартнома тузиб ишлайди. Баъзида хўжаликлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам олишлари мумкин. Масалан, биз бориб кўрган шундай ташкилотлардан бирининг ўнлаб трактори, юк ташиш машиналари, плуглари, таъмирлаш цехи бўлиб, у техника хизмати кўрсатиш ва кимёвий ўғитлар сотиш билан шуғулланади. Ташкилотдаги эски техника саройи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборига айлантирилган. Ташкилот раҳбарининг айтишича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаб ҳам яхшигина даромад олиш мумкин.

Кооператив хўжаликлари, фермерлар йиғим-терим қизиган пайтда яхшигина маош эвазига ёрдамчи ишчи олишлари ҳам мумкин.

Умуман Германияда ҳар 100 гектар экин майдонига 2 нафар қишлоқ хўжалик ходими тўғри келади. Бранденбург Ерида қишлоқ хўжалиги билан аҳолининг 17 фоизи шуғулланади. Бу рақам Белоруссияда-60, Польшада-30, АҚШда-9 фоизни ташкил этади. Картошканинг ўртача ҳосили бу ерда гектарига 400 центнерни, рапсники 30—35, маккажўхориники 380, лавлагиники 450 центнерни, ҳар бир сигирдан йилига соғиб олинадиган сут миқдори 5759 килограммни ташкил этади. Лекин баъзи бир, масалан, буғдой, маккажўхори ва сут каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархларни бошқариб туриш мақсадида Европа Иттифоқи томонидан квоталар белгиланган.

Ҳозирги вақтда Шарқий Германияда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича Европа бозори билан бирлаштирилгандан кейин шафқатсиз рақобат бормоқда. Гап шундаки, Европада ким энг кам таннарх билан энг сифатли маҳсулот етиштирсагина бозордан ўрин топиши мумкин. Ҳозирги замон технологияси ва техникасисиз бу курашда ютиб чиқиш амримаҳол. Германия бирлаштирилганидан кейин Шарқий Германиянинг қишлоқ хўжалиги, айниқса, ўз маҳсулотларини Европа бозорида сотиш борасида жуда мушкул аҳволда қолган эди. Кейинги пайтларда бу борада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан уларни қайта ишловчи ва сотувчи ташкилотларнинг каттакатта бирлашмалар ва кооперативларга бирлашиш жараёни кузатилмоқда. Бунда муттасил ошиб бораётган рақобат шароитида ҳозирги замон техника ва технологиясини тезроқ ўзлаштириш имконияти яхшиланади. Ҳозир Германия қишлоқ хўжалигида энг катта 10 та ишлаб чиқариш бирлашмалари 82 фоиз айланма маблағларни бошқармоқда. 2010 йилга келиб эса уларнинг энг катта 5 таси бу соҳадаги ҳамма айланма маблағларнинг 90 фоизини бошқариши тахмин этилмоқда.

Германияда ўтиш даврида маслаҳат марказларининг кенг тармоғи ташкил этилди. Ҳозирги вақтда давлат Европа Иттифоқи ҳисобидан кооператив ва фермер хўжаликларига шартнома ёки доимий асосда ишловчи маслаҳатчиларни таъминлаш мақсадида маблағ ажратиб туради. Маслаҳатчилар одатда олимлар ёки тажрибали деҳқонлар бўлиб, улар илмий текшириш институтлари ва Германиянинг кенг ахборот тармоғи билан доимий алоқада бўладилар.

У ерда қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг яна бир томони шуки, фермердан тортиб то дала-боғ-ҳовли эгасигача бўлган барча қишлоқ хўжалик ходимларининг малакасини оширишнинг самарали тизими барпо этилган. Масалан Потсдамдан унча узоқ бўлмаган Седдин кўли ёнидаги халқ университети қишлоқ хўжалигини оптимал юритишга ўргатади. Бир ёки икки ҳафталик ўқишда университет профессорлари ва Бранденбург Ери қишлоқ хўжалик вазирлиги хизматчиларининг қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг ҳозирги замон усуллари, техникаси ва технологияси тўғрисида маърузаларини эшитиш билан бирга ўзлари ҳам мунозараларда фаол иштирок этадилар. Бу ерда ҳар бир дарс саволжавоб, муҳосаба шаклида олиб борилади.

Шундай қилиб ҳозирги вақтда Шарқий Германияни бозор хўжалигига ўтказишнинг биринчи босқичи бажарилди. Яъни ерни, янги техника ва технологияни сотиб олиш имконини берувчи оптимал хусусийлаштириш усули топилди. Ер эгаларига топширилди. Шу билан бирга кимки ерда ишлашни хоҳласа, унга ҳам шундай имкон яратилди. Немис мутахассисларининг фикрича, Шарқий Германия моделининг афзаллик томони, ундаги тобора илғор техника ва технология билан таъминланиб бораётган йирик кооператив хўжаликларининг ташкил этилганлигидадир.

Муҳаммадзаҳроб ИСМАНОВ,
профессор.

Сувчи — экинни яшнатувчи. Қаюм Ашуров кўп йиллардан бери Бухоро туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлаб, ҳам қишлоқлари ўртасида обрў-эътибор қозониб келмоқда. Айни кунларда у 14-бригада даласида ғўза эгатларига чилла сувини тараяпти.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ПИШИҚ ВА ТЕЖАМЛИ ҚУВУРЛАР

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида темир қувурлардан кенг фойдаланилади. Бироқ бундай қувурлар нисбатан қиммат бўлиши билан бирга занглаб чиririди, тез ишдан чиқади. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Оққовоқ қишлоғида ташкил этилган «Нур-арт» кичик корхонасида пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Темир қувурларга нисбатан иккиуч ҳисса арзон, пишиқ ва тежамли бу маҳсулотга ҳозирданоқ буюртма кела бошлади.

Мутахассисларнинг фикрича, пластмасса қувурлар анча юқори — атмосфера босимига, 90—95 даража иссиққа бардош бера олади. Яна бир афзаллиги шундаки, уни монтаж қилиш қулай. Одатдагидек бунда пайвандлаш аппарати, кислород, электрод керак бўлмайди.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР НЕГА КАМ?

Тошкент вилоятида улар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми камайиб кетди

Таҳлил

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган «Аёллар тадбиркорлиги муаммолари ва уларни ҳал этишга оид таклифлар» мавзуидаги конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Гулнора Маҳмудованинг маълумотларига қараганда, 1996 йилда 700 дан ортиқ юридик шахс тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаган бўлса, жорий йилга келиб, уларнинг сони 532 нафарга тушиб қолди. Тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқаришдан олган ялпи даромади 1998 йилда 380 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1999 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 52 миллион сўмга етди, холос.

Тадбиркорликни ривожлантиришга халақит бераётган муаммоларни таҳлили шуни кўрсатдики, вилоят ишбилармонларини кредит олишнинг мушкуллиги, корхонани ривожлантириш ва ишчи-хизматчиларга иш ҳақи бериш учун жорий ҳисоб рақамидан пул маблағларини ололмасликлари ишни олға силжишига тўғаноқ бўлаяпти. Тадбиркорларнинг фикрича, давлат томонидан бериладиган кредит уюшма ихтиёрига ўтказилса, нақд пул билан ишлаш имконияти яратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётган, мулкдорлар синфининг шаклланишига мамлакат Президенти томонидан мунтазам эътибор берилаётганлиги натижасида мавжуд масалаларни жойларда ҳал этиш имкониятлари яратилган бир пайтда муаммолар ечимини вилоят ёки республика миқёсида ҳал этилишини кутиб туриш ўринлими?

Нима бўлганда ҳам вилоят тадбиркор аёлларининг анжумани йиғилганларда ишда ижобий самара бўлишига умид уйғотди. Иштирокчиларни интилишлари, саъи-ҳаракатларининг муштараклиги шундан далолатдир.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,
«Туркистон-пресс» мухбири

Шу кунларда Тошкент туманидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигида шаҳарликлар дастурхонига сархил сабзавот маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида ҳосилни йиғиштириб олиш қизғин олиб борилмоқда.

Суратда: илғор сабзавоткор Сабоҳат Носирова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНДИ

«Қишлоқ ҳаёти»да босилгач...

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1998 йил 2 апрель сонида «Адолат мезони бузилганда...» мақоласида Олтинсой туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигидаги мавжуд камчиликлар қаламга олинган эди. Шу юзадан «Олтинсой шароби» фирмаси бош директори Ў. Чориев имзоси билан жавоб олинди. Унда жумладан қуйидагилар таъкидланади.

Қайд этилган мавжуд камчиликларни тугатиш мақсадида 1999 йилнинг 12 апрелида «Олтинсой шароби» фирмаси бошқарув кенгашининг йиғилиши чақирилди.

Олтинсой туман ҳокимининг 1998 йил 9 сентябрдаги қарори асосида 1999 йил 17 январь куни Бобур номли жамоа хўжалигини тугатиб ўрнига янгидан ширкатлар хўжалигига ўтиш тўғрисида умумий йиғилиш ўтказилган эди.

Апрель ойида қишлоқ хўжалик ишлари жадал суръатда бошланиб кетганлиги сабабли туман ҳокимининг қарорига асосан ширкатлар хўжалигига ўтиш муддати 1999 йилнинг IV чорагига қолдирилди.

Бобур номли жамоа хўжалиги 1998 йил якунида хўжалик аъзоларидан жами 15 миллион сўм иш ҳақидан қарздор бўлган. 1999 йил 1 апрель ҳолатига ушбу иш ҳақларини нақд пул натура ҳисобида 1997-99 йиллар учун тўлиқ тўлаб бўлди.

Бобур номли жамоа хўжалигига «Олтинсой шароби» ҳиссадорлик томонидан 1998 йилда қабул қилинган узум маҳсулоти учун ҳамма тўловлари тўлиқ тўланди. Айни пайтда Бобур номли жамоа хўжалигида жорий йилда етиштириладиган узум ҳосилини қабул қилиб олиш учун 20 миллион 800 минг сўм аванс пули ўтказиб берилди.

Ҳозирги кунда хўжаликда дала ишлари яхши йўлга қўйилиб, жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

«МАФТУНКОР ДУНЁ БУЁҚЛАРИ»

Самарқанд вилояти ногиронлар жамияти ўтказган анъанавий тасвирий санъат танлови ана шундай номланди. Унда 14 ёшгача бўлган иқтидорли ногирон болалар иштирок этди. Танлов якунига кўра Самарқанд шаҳридан Алишер Навоий номли 10-ўрта мактаб 5-синф ўқувчиси Азиз Элмуродов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Самарқанд шаҳридаги 60-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Фарҳод Мусурмоновга, учинчи ўрин эса 1-ёрдамчи мактабнинг 7-синф ўқувчиси Марина Давидовага насиб этди.

Ғолиблар республика «Мафтункор дунё бўёқлари» танловида қатнашишга йўлланма олдилар.

(ЎзА).

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

НАМАНГАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ПОК НИЯТЛИ НАМАНГАН АҲЛИНИНГ МЕҲНАТ ШИЖОАТИГА МЕН ҲАМИША ЧУҚУР ҲУРМАТ БИЛАН ҚАРАЙМАН.

Ислом КАРИМОВ.

УЛУҒЛАРНИНГ НАЗАРИ ТУШГАН

Наманган деганда ҳар кекса ёшнинг
Лабидан бол томар, тиллари ширин.
Азалдан файзи бор бунда қуёшнинг
Юзларда қон қаймоқ ранги яширин.

Йигирманчи аср ўзбек шеъриятининг буюк саркардаси жаннатмакон Ғафур Ғулом сатрлари бу!

Ҳар қандай гўшанинг, юртнинг таровати ташқаридан қараган одамнинг нигоҳида ёрқинроқ кўринади, тилида ёрқинроқ таърифланади. Машрабни «шуҳрати шеър бобида мўътабар» қилган, Фазлийни маликушшуар рутбасига кўтарган, Суфизодаю Усмон Носирга шеър эмизган Наманган замини кимларни мафтун этмаган, кимларнинг илҳомига қанот бағишламаган дейсиз.

Жўғрофий жойлашувию, табиатининг тамтамлиги билангина эмас, балки, одамларининг хушмуомалалигию хотамлиги билан ҳам, қизларининг малоҳатию йигитларининг ўктамлиги билан ҳам меҳмону сайёҳни ром этган бу юрт...

Жўғрофий маънода Водийнинг дарвозаси бўлган, водий меҳмонларини тоғлари кифтидаги Камчик довони йўлларидан авайлаб ўтказадиган Наманган вилояти шаҳар ва туманларининг бугунги қиёфасида саккиз ёшга тўлаётган Истиқлол бахш этган ғурур ва илҳом, изланиш самараларини, ўз юртини обод ва озод қилиш йўлида одамларнинг ижодкорликларини кўриш кўзларни қувонтиради.

Иқтисодиётининг олтмиш беш фоизини қишлоқ хўжалик белгилайдиган вилоятнинг деҳқону соҳибкорлари, чорвадору боғбонлари меҳнати самарасидан дастурхон тўкинлиги, юрт ободлиги барпо бўлмоқдаки, бугунги ҳикояларимиз ана шу улкан денгиздан аирим қатралар.

ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ

Уйчи туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги бошқаруви идорасига келган одамнинг кўзи катта-катта қилиб ёзиб қўйилган эълонга тушади. Унда хўжаликда ўттиз минг сўм иш ҳақи бор пайчига ғалладан бўшаган экин майдонларидан бир гектар, 45 минг сўм иш ҳақи бор одамга бир ярим гектар ер берилиши ёзиб қўйилган.

Иш ҳақи ва ер... Бир қараганда қовушмайдиган бу эълон замирида катта маъно бор экан. Аввало бир неча йил муқаддам хўжаликнинг ерини сен экиб ол, деб деҳқонга бериш ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига кирмаган. Бугун эса кетарлаб ерни унга бериб, ўзинг хоҳлаган нарсангни экиб ол, дейиса...

Иккинчи томони ширкат аъзоси яъни пайчи иш ҳақини нақд пул билан олганда бир ҳисса фойдаланса, бир гектар ерда деҳқончилик қилса, ўн карра фойдаланади. Қай бири маъқул?

Хўжалик бошқарувининг раиси ўз ёшидан анча ёш кўринадиган ҳаракатчан йигит Абдурраҳмон Раҳимов асли шу қишлоқнинг фарзанди. Ҳар қарич ернинг табиати ва имкониятини билиб, бизга қайси ҳудудда нима экса қанча даромад олинишини, бултурги тажрибаларни гапириб берди. Хуллас, ғалла ўриб олингач, қилинган деҳқончиликдан бир гектар ердан 300 минг сўм даромад олиш мумкин экан. Борингки, ер ҳақи, меҳнат, ўғит ва бошқа ҳаражатларга юз минг чегириб ташланганда ҳам бир хонадонга икки юз минг сўм соф фойда қолар экан.

— 500 гектар ерга ғалла, 500 гектарига эса чигит экканмиз, — дейди Абдурраҳмон. Ғалладан бўшаган ерлардан 300 гектарини пайчиларга бўлиб берамиз. 200 гектарида ўзимиз деҳқончилик қиламиз. Такрорий экинлардан олинадиган даромад хўжаликка соф фойда келтиради.

Масалан, ўтган йили туманда давлатга ғалла етказиб бериш шартномаси бажарилмаган эди. Хўжаликда эса бу курсатгич бажарилибгина қолмай, илғор пудратчилар ики минг килограммгача ғаллага эга бўлдилар. Ёки дўл, селдан энг кўп зарар кўрган, ҳатто 15 июндаги дўл туфайли ярмидан кўп ғўзаси чўп бўлиб қолган ҳолда пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди.

Чорвачиликда фойда олиб ишлаётган хўжаликлар республикада кўп эмас. Наслчиликка ихтисослашган, 480 бош қорамолга, 180 бош сигирга эга бўлган «Ғайрат»да 360 минг сўм фойда олинди.

Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Сирдарё соҳилларига жойлашган. У қадимий Шаҳанд қишлоғини ўз ичига олади. Аҳолининг зичлигидан бу ерда гектарлаб ер бериш имконияти йўқ. Аммо 15 сотихча ер олган деҳқон ҳам шоликорлик туфайли мўмай даромад эгаси бўлади.

Туман давлатга ғалла етказиб бериш шартномавий режасини бажарган куни «Ўзбекистон»да бўлган эдик. Бошқарув раиси Умаржон Абдурраҳмонов иш ҳақи ҳисобига ер олишга ариза берган ҳар бир одамнинг оиласида неча жонлиги, нимага муҳтожлиги, кимнинг туй-маъракаси борлигини ҳисобга олиб ер тақсимотини қилаётган экан.

— Бу ҳам ўзига хос ижтимоий ҳимоя, — деди Умаржон. — Ҳар бир хонадон холидан огоҳ бўлмаган раҳбар ютқазади.

Раис ҳақ гапни айтди. Зеро, истиқлол моҳияти ҳам, Президентимиз талаби ҳам шу.

ИСКОВОТ МЎЪЖИЗАСИ

Боғ-роғларга бурканган Янгиқўрғоннинг Исковот қишлоғида, шундоқ қир-адирлар бағрида муъжазгина бир корхона бор. Бу мевани қайта ишлайдиган «Марвэл — Джус КО» Ўзбекистон — Швецария қўшма корхонасидир.

Корхона раҳбари Собиржон Солиев ҳикоя қилади:

— Бизнинг 1997 йил баҳорида иш бошлаган бу қўшма корхонамиз том маънода қишлоқдаги мўъжиза, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик мўъжизасидир. Бу ерда асосан иккита линия ўрнатилган бўлиб уларнинг бири — Тетра пак линиясида данакли мевалар қайта ишланиб, улардан олинган табиий ва аъло навли шарбат қадоқланади. Иккинчи линиямизда эса олма консентрати олинади.

Собиржон бизни цехларга бошлайди. Технологик жараёнлар билан яқиндан таништиради.

— Мана бу ерда данакли мевалар ювилиб, саралананди. Сўнг тозаланган хом ашё лента орқали эзиб, майдалайдиган агрегатга узатилади. Мана бу ускуна меванинг данагини данакка, пўчоғини пўчоққа ажратиб навбатдаги қурилмага узатиб беради. Бу қурилма ўз навбатида маҳсулотни пиширибқадоқлаш машинасига оширади...

— Маҳсулотимизни асосан хорижга экспорт қиламиз. Ўз навбатида бир қисм маҳсулотларимиз Узбекистон бозорида импорт ўрнини босади. Ўтган мавсум 7346 тонна олма, 411 тонна данакли мевалари қайта ишлаб, 797 тонна олма консентрати, 321 тонна мева шарбати ишлаб чиқариб Исроил, Австрия, Россия, Туркманистон каби давлатларга валютага сотдик, ҳаражатлардан ташқари 19 миллион сўм соф даромад олдик. Лекин, мева етишмаётгани туфайли имкониятимиз даражасида ишлолмаяпмиз. Бўёгиниям айтиб қўяй: қўшма корхонамиз мавсумда 20 минг тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга...

Олма линиясида бир сменада 80—90 тонна олма қайта ишланиб олма шарбати ва олма ҳиди олинади, — дейди навбатдаги цехга қадам қўярканмиз Собиржон.

Қизиқишимиз ортади. Олма шарбати олинишини-ку тасаввур қилиш мумкин-а, аммо олма ҳиди?

Ҳайратимизни ҳис қилган корхона раҳбари олма цехидан қайтишда бизни лабораторияга таклиф қилди. Ўзини Абдураззоқ Содиков дея таништирган ёшгина йигит Собиржоннинг ишораси билан приборларнинг бирига қўйилган сув рангидаги, аммо қуюқроқ суюқликни ҳидлатиб кўрди. Димоғимизга шоҳидан янги узилган олма бўйи гуп этиб урилди. Воҳ ажабо! Бир зумда мажнунтолдек эгилиб, бошини қўтаролмай ётган бепоён олмазорлар кўнида ҳис қилдик ўзимизни.

— Олма шарбати тиндирилади, сўнг қуюлтирилади. Шу жараён давомида ҳавога учиб кетадиган олма ҳиди ажратиб олинади, — дейди Абдураззоқ.

Собиржон қўшимча қилади.

— Ўтган йили оз эмас — 37 тонна олма ҳиди олдик.

Ана сизга, Исковот мўъжизаси!

ЙИГИТНИНГ МАРДИ ЕР ОЧАР

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 — 2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён орадан бир йилга яқин вақт ўтди.

Хўш, вилоятнинг эртанги истиқболига даҳлдор бу қарор ҳаётга қай тариқа тадбиқ этиляпти?

Биз ушбу савол билан вилоят янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш бўйича хўжаликлараро кенгаш раисининг ўринбосари Зокиржон Расуловга мурожаат қилдик.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки — дейди З. Расулов, — республика ҳукуматининг юқоридаги тарихий қарорини давлатимизнинг қишлоққа, қишлоқ кишиларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборининг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Қарор эълон қилинган заҳоти вилоятдаги шу соҳага даҳлдор ташкилот ва муассасалар ўзларининг аниқ-тиниқ иш режаларини тузиб олишди. Шунга биноан ўтган йилнинг ўзида вилоятнинг Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Косонсой ва Поп туманларида 807 гектар янги ер ўзлаштирилди. 700 гектар ўрнига 729 гектар суғориладиган ерлар таъмирланиб қайта тикланди, 1621 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Поп туманидаги Жийдалисой, Чуст туманидаги Варзик сув омбори, Чорток туманидаги Чорток сув омборининг олтинчи навбати қурилишида 121 миллион сўмлик иш бажарилди.

Жорий йилнинг ярим йилида 500 гектар янги ер ўзлаштирилди, 1150 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Биргина, Поп ҳа, янгилик бор жойда муваффақият ҳам бўлади.

Содиқжон Убайдуллаев Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли жамоа хўжалигининг илғор ғаллакори. У тасарруфидаги 5 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 51 центнердан сара дон олишга эришди.

Дилбархон Кодирова ипак қуртини меҳр билан парваришлаб, мўл, сифатли пилла етиштиришни онаси Хайрибувидан ўрганган. Энди эса у касб сирларини фарзандларига ўргатмоқда.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

● Вилоятда 1999 йилнинг 1 июн ҳолатига рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар: 12944 та. Шундан Давлат корхоналари 1384 та, ҳиссадорлик жамиятлари 624 та, хусусий кичик корхоналар, фирмалар 5329 та, деҳқон ва фермер хўжаликлари 2076 та, қўшма корхоналар 71 та, маҳалла қўмиталари 749 та, ширкат хўжаликлари 193 та.

● 1998 йилда хорижий давлатларга вилоятдан корхона, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан 96,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилди.

● 1997 йилда ичимлик суви — 98,5 км.га тортилган бўлиб, шундан, қишлоқ жойларига — 93,6 км ташкил этади. 1998 йилда ичимлик суви — 145,5 км.га тортилган бўлса, шундан, қишлоқ жойларига 142,3 км.ни ташкил этади.

● 1997 йилда табиий газ — 413,1 км.га тортилган бўлиб, шундан, қишлоқ жойларига 375,5 км ташкил этди. 1998 йилда табиий газ 561,9 км.га тортилган бўлса, шундан: қишлоқ жойларига 518,8 км.ни ташкил этди.

● 1999 йил 1 январ ҳолатига табиий газ билан жами 228636 та хонадон таъминланди, шу жумладан қишлоқ жойларида 116879 та хонадонни ташкил этади. Ичимлик суви билан вилоятда жами 187848 та хонадон шу жумладан қишлоқ жойларида 90587 та хонадон таъминланган.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли «2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида вилоятда 1999 йил 1 июн ҳолатига 1379,6 минг кв. метр турар-жой, 40 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, 11 та қишлоқ шифокорлик амбулаториялари қишлоқ шифокорлик пунктларига ва 16 та фелдшер акушерлик пунктлари қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилди, 22650 кв.м савдо, 8463 ўринли умумий овқатланиш, 304 та бирликда маиший хизмат шахобчалари, 14301 ўринли умумтаълим мактаблари, 1374,8 км газ ва 421,6 км сув тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

● 1999 йилнинг 1 июн ҳолатига вилоятда 1745 та фермер хўжаликлари бўлиб улар томонидан шу йилда 308 тонна гўшт, 1593 тонна сут ва 245 минг дона тухум ишлаб чиқарилди.

● 1999 йилнинг 1 январ ҳоалтига вилоятда 851 та спорт иншоотлари, 28 та стадион, 17 та сузиш ҳавзаси, 38 та спорт мактаблари ҳамда 4376 та спортзал мавжуд.

● Ҳозирда вилоятда 666 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 31641 нафар ўқитувчи ишламоқда, 448316 нафар ўқувчи билим олмоқда.

● Вилоятда 441 та кутубхона, 2 та музей, 1 театр, 35 та кинотеатрлар мавжуд.

● Ҳозирда вилоятда 15 та лицей мавжуд бўлиб уларда 4096 нафар ёш таълим олаяпти. 4182 нафар ёш 8 та турли коллежларда таҳсил кўрмоқда.

● Вилоятда 12 та коллеж, 1 лицей қурилиши олиб борилмоқда. 7 та коллеж реконструкция қилинаяпти.

ЯНГИЛИК БОР ЖОЙДА...

«Ер малҳами» деб номланган ишлатишга қулай, тежамли ва сифатли, юқори унумдор, экологик тоза биологик ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тўрақўрғонбиоазот» корхонасини бугун вилоятда яхши билишади. Аммо, бу корхонанинг Марказий Осиёда ягона эканлигини, жаҳонда эса Америка ва Япония давлатларидан кейин фақат бизда, Наманганнинг олис бир қишлоғида, ана шундай замонавий мини завод ишлаб турганини барча ҳам билавермаса керак.

...Унча катта жойни эгалламаган, бор-йўғи 25 киши меҳнат қиладиган мини завод ҳар ой 60 тонна «Ер малҳами» — биоазот ўғити ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология ҳамда Истиқболли тадқиқотлар ва инновация институтлари томонидан яратилган бу мутлақо замонавий, янги ўғит эндиликда барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларига ҳосилдорликни ошириш ва ҳосил етилишини тезлаштириш мақсадида ишлатилади.

«Тўрақўрғонбиоазот» корхонаси ижрочи директори Ҳабибулла Ғаффоровнинг таъкидлашича, 1 килограмм «Ер малҳами» мавсум давомида 150 килограмм селитранинг кучини беради.

— Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, — дейди И. Набиев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Иброҳимжон Собиров бизни «Ер малҳами» ишлатадиган далаларга бошлар экан. Биз бўлган куни мазкур хўжалик йиллик режанинг 18 фоизи миқдорида ғалла топшириб, кунлик ўсишда туманда биринчи ўринга чиқиб олган эди. Раис ўтган йили аранг 35-36 центнердан ҳосил берган майдонлардан бу мавсум 55-60, ҳатто айрим пайкаллардан 75-80 центнергача ғалла ҳосили чиқаётганлигини мамнуният билан гапирди.

— Бу биринчи галда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этаётганимиз, далаларимизда илғор тажриба ва янги технологияни дадил қўллаётганимиз самараси, — дейди у.

ҲУНАР МАКТАБИДАН — КОЛЛЕЖГА

— Касб-ҳунар мактабимизни коллежга айлантирилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида жойлашган қишлоқ хўжалиги коллежи директор вазифасини бажарувчи Нажмиддин Худойқулов, — қатрада кўёш акс этганидек, Президентимиз ва республикамиз ҳукуматининг ёшларга, уларнинг билим олиши, ҳунар эгаллашига курсатаётган беқиёс ғамхўрликларини бизнинг коллжек мисолида яққол кўриш мумкин.

Кенг ихтисосдаги трактор ва автомобил механиклари, фермерлар, кичик солиқ ходимлари ва ҳисобчилар етказишга ихтисослашган коллежимизни қайта жиҳозлашимиз учун вазирлик 8 миллион сўм маблағ, қўшимча техникалар ва компьютерлар ажратди.

Айни пайтда билим дарғоҳимиз улкан қурилиш майдонини эслатади. Мана бир неча ойдирки, «Наманганиқурилиш» трестига қарашли қурилиш монтаж бошқармаси қўли гул бунёдкорлари коллежда капитал таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар. Ўқув хоналари, ётоқхоналар қайта реконструкция қилиняпти.

— Шу ўринда ўқитишнинг коллеж тизимидати баъзи бир муаммолар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтишга тўғри келади, — дейди Нажмиддин, — коллежларни қуриш, қайта реконструкция қилиш ишларига юқоридагидек ҳукуматимиз жуда катта маблағ ажратаётгани нур устига нур, албатта. Аммо, коллеж ҳақидаги Низомда ўқувчиларга стипендия бериш ёки коллежни «аъло» битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли кириш масалалари кўзда тутилмаганлиги ёшларни коллежга жалб этишга, уларнинг ўқишига ва билим олишга бўлган иштиёкларини оширишга салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Бундан ташқари коллеж бўлгандан кейин табиийки, бу ерга етук, билимдон мутахассислар, олимларни жалб этишимизга тўғри келади. Уларни жалб этиш эса қийин кечяпти. Боиси... Коллеж ўқитувчиларининг ойлик маошлари ўрта мактаб ўқитувчиларникидан унча фарқ қилмайди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги мутасадди ўртоқлар ана шу масалаларни ҳам ўйлаб кўриб, бир тўхтамга келиши айни муддао бўларди....

«НАВБАҲОР» НАВОЛАРИ

Пойтахтимиз Тошкентнинг Ўзбекистон Миллий боғида «Наврўз» байрамига аталган театрлаштирилган концерт дастури давом этарди. Оқ ҳарир рўмолларини ҳилпиратиб катта саҳнага чиқиб келган рақкоса қизларнинг «Наманганлик оқ рўмол қизлар» қўшиғи оҳангидаги хиромлари майдонда ўтирганларни ҳам, телевидение орқали томоша қилганларни ҳам сеҳрлаб қўйди, суз, куй ва рақс уйғунлиги туфайли бу қўшиқ ҳам, рақс ҳам оммалашиб кетди.

Бу вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошида ташкил этилган «Навбаҳор» ашула ва рақс дастасининг катта саҳнадаги биринчи муваффақияти эмас эди. Шинавандалар ва томошабинларнинг меҳрини қозонган ижодий жамоа туғилган кунидан, яъни 1995 йил баҳоридан бошлаб, республикада ўтказилаётган «Наврўз» ва Мустақиллик байрамларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолганди.

«Навбаҳор» санъаткорларининг изланишлари ўз самарасини бермоқда. 1997 йили «Ўзбекистон Ватаним маним» республика кўшиқлар танловида хушовоз хонанда Рустам Мамадалиев Акбарали Аскаровнинг Иўлдош Сулаймон шеърига басталаган «Ўзбекистоним» қўшиғини ижро этиб «Ўзбекнаво» тизимида биринчи ўринни, мамлакатда учинчи ўринни олишга сазовор бўлган эди. Ўтган йили эса ўзбек рақсининг бетакрор маликаси Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказилган республика рақс танловида умидли рақкоса Шаҳноза Ҳолдорова иккинчи ўрин совриндори бўлди. У ижро этган «Тановар» ва «Ноз-лигим» рақслари (А. Аскаров мусиқаси, саҳналаштирувчи А. Айтмагамбетова) синчков ҳакамлар ҳайъатининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Биз куни кеча вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бўлганимизда «навбаҳор»чиларнинг мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги тантаналарига қизғин ҳозирлик кўраётганликлари устидан чиқдик. Жамоада янги куй, қўшиқ, рақслар тайёрлаш билан бирга уларга муносиб либослар андозалари ҳам муҳокама қилинаётган эди.

Ансамбл бадиий раҳбари, таниклі бастакор Акбарали Аскаров бизга икки хушхабарни етказди. Бир неча кун муқаддам Юнус Ражабий номидаги ёш мақом ижрочиларининг V республика танловида ансамблнинг хушовоз хонандаси Одина Султонова муваффақиятли иштирок этиб, танлов ҳайъатининг дипломига сазовор бўлган экан. Бугун эса ансамбл иштирокчиси Нажмиддин Ҳамидов Тошкентдан, республика «Камолот» жамғармасининг анъанавий «Қизиқчи-99» танловида фахрли биринчи ўринни олиб қайтибди.

МУАММОЛАР

Вилоятнинг бир қанча жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилаётган бўлса-да, оилавий пудратчиларнинг етиштирган маҳсулоти, иш ҳажми, сифатига қараб рағбатлантириш суст боряпти.

Вилоятда ерга муносабат, ернинг қадрига етиш, эъзозлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш масалалари ҳам муаммолигича қолмоқда. Тўғри, ҳар йили ерларни реконструкция қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта маблағ сарфланяпти. Кўпни кўрган тажрибали деҳқонлар, мутахассислар эътироф этаётганидек, ҳозирги мавжуд техникалар билан тик қудуқларни таъмирлаш, зовурлар қазиш, ер заҳини кочиришда кўзланган натижаларга эришиш қийин. Бунинг учун ўша ҳар йили ирригация-мелиорация ишларига сарфланаётган катта маблағнинг бир қисмига замонавий машина-механизмлар сотиб олиш масаласини ҳал қилиш керак бўлади.

Кўпгина хўжаликларда ҳосилдорликни ошириш учун ҳали-ҳануз кимёвий ўғитларга, заҳарли химикатларга зўр бериляпти. Ваҳоланки, ерни чиринди билан бойитиш, кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, «Ер малҳами» каби зиёнсиз микроорганизмларни кўпайтириш, шу йўл билан ер умрини узайтириш, тупроқни бойитиб, ҳосилдорликни оширишнинг қулай имкониятлари мавжуд.

Вилоятнинг Чуст, Янгиқўрғон туманларида ҳар йили картошкадан юқори ҳосил кутараётган, бу соҳанинг обдон ҳадисини олган тажрибакор деҳқонлар кўпчиликни ташкил қилади. Аммо, улар кучидан, тажрибасидан деярли фойдаланилмаяпти. Етарли табиий иқлим шароити, имконият бўла туриб ҳар йили жуда катта маблағ эвазига четдан уруғлик картошка сотиб олиняпти. Вилоятда бемалол уруғлик картошка заҳираси яратиш имконияти бўла туриб негадир бу муҳим соҳа мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Вилоятда четдан маҳсулот келтириш режа-топшириқлари бажарилмаган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва автомобиль транспорти соҳасида олдинги йилларга нисбатан орқага кетилган.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида 22 та ташкилот 50,5 миллион сўмлик зарар кўрди.

Муддати ўтган қарзлар 1472,8 миллион сўмни ташкил қилиб, ўтган ойга нисбатан 374 миллион сўмга ошган.

Вилоят ҳудудида 1999 йил 1 май ҳолатига 71 та қўшма корхонадан 63 таси умуман ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланмаган.

Наманганликлар жазм қилишса юқоридаги муаммоларни бемалол ҳал этиш мумкин. Бунга, таъкидлаганимиздек, шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Энг муҳими, одамларнинг руҳи тетик, эртанги кунга ишончлари мустаҳкам.

Саҳифа материалларини журналистлар Ҳабиб САЪДУЛЛА ва Али ЗИЁД тайёрлашди.



Вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ҳажми кенгайиб, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи иншоотлар тобора кўпаймоқда.

«БИР АЖИБ ҲИС БОР ЭДИ МЕНДА...»

3. РИШТОН. МУНАВВАР ЧИРОҚЛАР

Риштонга равона бўлаётганимни билган Отабек Раҳмон мени Бувайда шоҳбекатидан кузатиб қўяркан:

— У ерда Ҳамид Бурхонов борлар. Балки, танирсиз? Ҳоким ўринбосари бўлиб ишлайдилар, ўзлари журналистдан чиққанлар, — деб қолди.

Хурсанд бўлдим. Буёғини сўрасангиз «тишимиз» Иўлдош Сулаймон, Шаҳобиддин Зуҳриддин, Аъзамжон Ортиқов, Донийр Эргашев, Сайдали Одилов, марҳум Шерали Тошматов, Адҳам Ҳамдам... Ва ана шу Ҳамид Бурхон каби фарғоналик устоз журналистлар мақолаларини ўқиб чиққан. Ҳамид акани сиртдан яхши танисам-да ўзларини кўрмагандим. Қолаверса, у кишининг Риштондан эканликлари ҳам хаёлимда йўқ экан. Отабекнинг ҳалиги гапидан кейин кўнгилда яна бир чироқ ёнди.

Ҳамид ака билан учрашдиг-у минг йиллик қадрдонга айландик. Мақсад-муддаонгни лабингни очишинг тугул киприк қоқишингдан уқади.

— Кеча обуна билан қизиққандим, — дейди ҳоким ўринбосари, — «Қишлоқ ҳаёти»ни ҳозир биз юз нусха оламиз. Обуна кетяпти. Яна кўпайтирамиз. Энди кепсиз, сиздан битта илтимос бор.

— Қўлдан келса бош устига!

— Туманимиз пиллакорлари меҳнатини бир яхшилаб ёритиб берсангиз. Бу йил бошқача йил бўлди улар учун. Апрелдаги совуқ тут барглари-нинг бир қисмини бутунлай уриб кетди. Очиғи, ўшанда ҳаммамиз бу йилги пилла топшириш режаси тамом, бутунлай барбод бўлди, деб ўйлагандик. Пиллакорларимизга раҳмат; уларнинг иродасига, чеккан заҳматига раҳмат! Югуриб-елиб, уйқу нима, тиним нима билмай, ҳали чўлдан, ҳали даштдан, гоҳо шаҳардан, ҳатто Қирғизистондан барг ташиб, ўзларини сансирасаларда ипак қуртларини сизлаб, па-палаб келинчакни чимилдиққа киритгандек дастага киритишди, азаматлар. Йиллик режа ошиғи билан бажарилди...

Риштон ўзининг таърифи дунёни тутган Бурхониддин Марғилоний ар Рошидонийдек азиз ва мукаррам сиймолари билан, қўли гул уста ҳунармандлари, оғзингизда эрийдиган қантаки ўриги-ю қозонга тушса ўрмалаб кетадиган Чўнгара гуручи билан бутун мамлакатга машҳур. Ҳамид аканинг бу гапидан маълум бўлдики, Риштон пилласи, миришкор пиллакорлари билан ҳам фахрланса арзийдиган юрт экан.

Шундай қилиб, туман бош пиллахонасига келиб қолдим. Бир эмас, икки эмас, нақд тўққиз қаватли, тўғриғоғи, устма-уст тўқ-қиз қатор пилла ёйишга мўлжаллаб, бундан роса 75 йил муқаддам қурилган, этагини кўз аранг илғайдиган улкан пилла саройини кўриб оғзим ланг очилиб қолди. Дунёни билмадим-у Ўзбекистонда бунақа пилла саройи бўлмаса керак. Ва... Масъулиятни юз карра зиммамга олиб яна бир гап айтайда. Бу пилла саройини ота-боболаримиз қурган, уларнинг нозик фаҳм-фаросати, юксак меъморий санъатидан дарак берувчи

Саёҳатнома

тарихий ёдгорлик сифатида бемалол рўйхатга олиш, пиллакорлик, пиллакор меҳнати билан қизиққан ҳар қандай хорижий меҳмонга кўз-кўзлаб кўрсатиш мумкин.

Ана шу пилла саройининг биринчи қаватига қўйилган сўрида ўтирибмиз. Ташқарида ёз қуёши жазиллатади. Саратон. Биз ўтирган жойда эса ғир-ғир шаббода айланади. Салқин, намхуш ҳаво пилла ғумбаги ҳидини димоққа келтириб уради.

Бош пиллахона бошлиги Жумабой Ғафуров иш билан Фарғонага кетибди. Бош ҳосилот Ғайратжон Бойбобоев, пиллахона мудири Юнусали Раҳимов, тажрибали мутахассис Нўъмонжон ака Мадаминовлар билан гурунглашамиз. Айрим рақамларни ён дафтаримга ёзиб оламан. Риштонликлар 3129 қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 50 килограммдан ўрнига 51 килограммдан зиёд 164 тонна сифатли пилла етиштиришибди. «Ўрикзор», «Ўзбекистон беш йиллиги», М. Топиболдиев номли, «Риштон» жамоа хўжаликларида давлат режаси 110—140 фоизга бажарилибди. Бугун Олмача Умарова, Санобархон Мўминова, Турдали Содиқов, Гулихон Мадмусаева, Исмоилжон Маматов, Раҳимахон Қодирова, Оминахон Раҳматуллаева, Илминисса Ҳакимова, Ҳасанбой Насриддинов, Майрамхон Ўрунова сингари миришкорлар етиштирган пиллаларини тарозидан ўтказиб чарчоқлари тарқаб, уйларида ҳордиқ чиқаришяпти. Аммо, ўтган бир ой ичида улар қилган меҳнат, улар чеккан заҳмат, уларнинг қаттиқ иродаси-ю ғайратшижоати таърифу тавсифи бутун Фарғона бўйлаб кезиб юрибди. Ҳамма уларга раҳмат деяпти.

Олмача ҳожи она Умарова номини миришкор пиллакор деб рўйхатнинг бошида тилга олиниши бежиз эмас экан.

Ўша апрелнинг 22-23 кунидаги кутилмаган қаттиқ совуқдан энг кўп зарарни ана шу Олмача ая бригадирлик қилаётган М. Топиболдиев номли жамоа аъзолари кўришибди. Ипак қуртлари тарқатилганига бир ҳафта ўн кун бўлган. Қурт жониворларнинг оқи оққа ажраб, қошлари қорайиб, авжи иштаҳаси очилган пайтда бирдан бир озуғи-тут барглари бўжмайиб, қорасонга айланса... Нима қилиш мумкин? Қандай чораси бор? Ана шу савол оддий пиллакордан тортиб, хўжалик раҳбарлари-ю то туман катталарини ҳам ўйлантириб, ташвишлантириб қўйганди ўша кунлари.

Айрим пиллакорлар умидларини бутунлай узиб, «кўрмайин ҳам куймайин ҳам» қабилида ипак қурти жониворларни «кўмиб» юбориш ҳаракатига тушиб қолгандилар. Туман раҳбарлари ҳам уларнинг бу қарорларини тасдиқлашдан ўзга чоралари қолмаган эди. Ана шунда Олмача ҳожи она майдонга чиқди.

— Ҳай айланайлар, ипак қурти азиз нарса. Пайғамбарларимизнинг баданларидан тушган мўъжиза бу! Бу жониворларни тўйдирмасдан, ипагини олмасдан кўмиб бўлар эканми? Ҳеч ҳам кўммаймиз! Ўлимнинг иложи йўқ. Оллоҳим ҳар бир қимирлаган жонни ризқу насибаси билан яратган. Буларнинг ризқи бор. Излаймиз, топамиз. Ўтган йили қанча пилла берган бўлсак, мана мени айтди дейсизлар, бу йил ҳам шунча пилла берамиз!

Ҳожи она ўша куни субҳидамда бригадаси тугул, қишлоқдаги ҳар бир хонадонга бирма-бир кириб, ана шу гапини нима қилаётганини билмай ўтирган пиллакорлар қулоғига қўйиб чиқди. Кейин раис билан даштга отланишди. Ҳар қалай у ерда унча-мунча барг бор эди.

— Буларни ҳозирча бериб турамиз, совуқ урган тутларни эса остига ўғит солиб, суғорамиз!

Шундай қилишди. Яна етмаганини қўшни туман, вилоятлардан, Марғилондан, Фарғонадан олиб келишди. Роса бир ой уйқу нима, тиним нима билмай, оёқда туришди ўзлари ҳам. Натижаси яхши бўлди. Ипак қурти жониворларнинг бир донаси ҳам қаторидан камимай, касалликка чалинмай, соғ-омон дастага кирди.

Пиллакорларнинг азму шижоатидан кўнгли тўлган хўжалик раиси Шавкат ҳожи Собиров йиллик режасини ким бурун бажарса мукофотига битта бўрдоқи қўчқор беришини ваъда қилиб юборган эди.

Олмача ҳожи онанинг ўзи ҳам, бригадаси ҳам етиштирган ҳосилини биринчилардан бўлиб тарозига қўйишди. Ва энг яхши натижани қўлга киритишди. Бригада миришкорлари 84 қути ипак қуртидан 3800 килограмм ўрнига 5089 килограмм юқори сифатли пилла топшириб йиллик режани 143 фоизга дўндиришди.

Шавкат ҳожи тонг билан Ҳожи она яшайдиган хонадон эшигини қоқди.

— Ўша ваъда ваъда! Қўчқорни қабул қилиб олинг. Яхши кунларингизга, тўйларингизга буюрсин! — деди у.

Ўша он, ўша дақиқа Ҳожи онанинг бир ойлик чарчоғи чиқиб кетган бўлса ажаб эмас. Ахир, у нимаики топган бўлса ана шу меҳнатдан топди. Қўша-қўша машиналар олди. Қўша-қўша тўй қилиб келин туширди. Неваралари қўлини ҳалоллади, кўксига орден-медаллар тақди. Ҳатто бу йил Маккаи Мукаррамада бўлиб, улуғ Ҳаж ибодатини ўтаб қайтди. Наврўз байрамида эса пойтахт Тошкентга, байрам тантаналарига азиз меҳмон сифатида таклиф этишди. Буларнинг ҳаммаси, бахти ҳам, тахти ҳам, рўзғоридаги бойлигу баракаси ҳам чин мўъжиза пилла туфайли эмасми?

— Кўнгил чироқлари ўчмасин, меҳр-оқибат йўқолмасин. Юртимизда тинчлик бўлсин. Қасд қилганлар паст бўлсин! Улуғ юртбошимизнинг олтин бошлари омон бўлсин! Кексаларимизга нуру иймон, ёшларимизга чин эътиқод, ғайрат-шижоат ёр бўлсин- — дея дуога қўл очадилар Ҳожи она.

Сиз ҳам кўп йилга омон бўлинг, азиз онажон!

Ортиқали НОМОЗОВ.
«Қишлоқ ҳаёти»нинг ўз мухбири.

Яқинда Қарши шаҳрида вилоят ортопедия ва травматология хусусий соғломлаштириш мажмуаси иш бошлади. Бу ерда шикастланишнинг барча турлари ва унинг асоратлари, туғма нуқсонлар, бел-умуртқа қисми касалликлари асосан жарроҳлик йўли билан даволанади. Шунингдек, тиш қўйишнинг ҳамма тури ва косметология хизматлари ҳам кўрсатилаяпти.

Суратларда: 1. Соғломлаштириш маскани умумий кўриниши. 2. Катта ҳамшира Меҳринисо Норова беморга маслаҳатлар бермоқда.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

СЎНГГИ ПУШАЙМОНГА ҲОЖАТ ҚОЛМАСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

кўплаб ёш оилаларнинг ажралиб кетишига, кутилмаган бахтсизликлар келтириб чиқарувчи автоҳалокатлар содир этилишига сабабчи бўлади. Энг ачинарлиси бундай жиноятларни содир этувчилар орасида хотин-қизлар, вояга етмаганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яқин ўтмишда сигарета тутатаётган аёлни лаънатлардик. Бугун эса гиёҳвандлик таъсиридан кўзлари ола-кула бўлиб қолган аёлга бефарқ-қина қараб қўямиз, ҳолос. Нега? Нега уни бу йўлдан қайтара олмаймиз?

...Биргина Қўқон шаҳрида 5 ой мобайнида гиёҳвандлик билан боғлиқ йигирма учта жиноят иши кўзгатилди.

Эндигина ўттизни қоралаган Чарос Хўжаеванинг уч нафар, ўттиз бешга кирган Дилбар Қўқонованинг эса икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Икки дугона олдиндан жиноий тил бириктириб гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, сақлаш, сотиш жиноятларини содир этишган. Чарос Хўжаева шериги Дилбар Қўқонова билан Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятида яшовчи фуқародан 228,5 грамм «опий» моддасини бойлик орттириш мақсадида 120 дона «гемодез» дорисига алмаштираги. Кўп миқдордаги опий Д. Қўқонованинг уйида сақланади. Ч. Хўжаева эса харидор топадиган бўлади.

Уларнинг гиёҳвандлик моддаси сотаётганлиги ҳақидаги тезкор маълумотлар жиноят кидирувчилар қулоғига ҳам етади. «Тадбиркор» аёллар 85,5 грамм миқдордаги «опий»ни фуқаро Б. Абдуллаевга 24 минг сумга сотаётганда қўлга олиндилар. Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Суд ҳукми билан Чарос Хўжаева 12 йилга, Дилбар Қўқонова эса 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Эл-юрт орасида шарманда бўлди. Шунингдек яна бир гиёҳвандлик моддасини сотиш билан шуғулланган Одина Жўраева суд ҳукми билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бугун диний ақидапарастлар домига кириб, Ватанига, мустақил юртига эътиқод қилмай, манфур ғояларни тарғибот этаётганларга қарши кескин курашиш ва бу иллатдан қутилиш энг долзарб масаладир. Орамизда Конституция асосида қонуний сайланган Республика Президенти ва Парламент бошқарувига қарши чиқиб ислом давлати қуришни, тузумни шариат қонунлари асосида бошқаришни хоҳловчилар борлиги жуда ташвишлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қўқон шаҳрида диний ақидапарастлар таъсирига берилганлари ҳисобга олиб имкон қадар маърифат билан уларни бу йўлдан қайтаришни, тўғри йўлда юришни хоҳламаганларига эса қатъий қонуний чоралар кўришни талаб этмоқда.

Айни пайтда диний ақидапарастларга нисбатан бирқанча жиноят иши кўзгатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилаётир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, чет давлатларда Ўзбекистон Республикасига қарши махсус тайёргарлик кўриб келган ва ҳозирда ўша ерларда юрган қўқонликлар борлигидан минг афсусдамиз. Албатта, Президентимизнинг раҳмшафқатлилиги, юрт фуқароларига меҳрибонлиги ва кечиримлиги туфайли адашиб ёки ёшлик қилиб диний ақидапарастлар таъсирига берилиб, ҳар хил оқимларга кириб қолганлар тавба-тазарру қилмоқдалар. Шу кунгача 29 нафар адашганлар қилмишидан пушаймон еб ҳуқуқ-тартибот органларига бош эгиб келдилар. 1997—1998 йиллар давомида Афғонистон ҳудудида махсус тайёргарликларда қатнашган Қўқон шаҳар Олтинкўл кўчасида яшовчи эндигина ун еттини қаршилаган Ўткир Ҳамидов, шаҳарнинг Амир Темур кўчасида истиқомат қилувчи тенгдоши Азиз Жумаевлар қилмишларидан минг афсусда. Маҳмуд Қорабоев ўтган йилнинг февралидан ноябрь ойигача хорижда жангариликдан «сабоқ» олган. Муҳаммад Маматқулов эса жангарилар билан танишиб, бир неча маротаба Тожикистон Республикасига бориб келади. Хайрият, улар бари эсининг борлигида этагини йиғишди. Астойдил тавба қилиб, қилмишлари хатарли эканини англаб, ҳуқуқ, тартибот идораларига мурожаат қилдилар.

Ўйлаймизки, пуч ғояларга эргашиб, адашиб юрган бошқа айрим ёшлар ҳам хатоларини тушуниб тўғри йўлга тушиб оладилар. Акс ҳолда улар барибир қўлга олиниб жазога тортиладилар. Жиноятчи адолат шамширидан қочиб қутилолмайди.

Облоқул СУЛТОНОВ,
Қўқон шаҳар прокурори, аддия кичик маслаҳатчиси.

ЮЗ ЁШЛИ ТАРОЗУ

Яқинда Жомбой тумани марказида бўлганимизда Галакапа кўчасида жойлашган Нор Холовнинг гўшт дўконида ишлатилаётган тарози диққатимизни тортди. У ўзига хос безаклар асосида, санъаткорона ясалган эди. Ранги сариқ, мисдан, Дўкон мудирининг айтишича, уни отасининг дўстларидан бири совға қилган экан. У 20 килограмм юкни тортишга мўлжалланган. Палладари ости томонида бошларида юк кўтариб турган санамларнинг бедор ҳолатлари акс эттирилган.

Хуллас уни 1903 йилда ясалган деган тахминий хулосага келдик.

Бунисига нима дейсиз?

Тарихий аҳамиятга эга бўлган тарозининг ноёб буюм эканлиги аниқ. Бу билан туман ёки вилоят музейлари ходимлари, қадимшуносларга қизиқишиб кўришсалар яхши бўларди. Фикримизга Нор Холов ҳам эътироз билдирмади.

Ҳа, Галакападаги гўшт дўконининг олди ҳамиша гавжум. Гўшт харид қилувчилар қассоб билан талашиб-тортишиб савдо қилишаверади. Бироқ, тарозига ҳеч ким эътибор билан қараган эмас.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 165-ўрта мактаб томонидан 1983 йили Фаттоҳов Шуҳрат Валиевич номига берилган № 261354 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 21-ўрта мактаб томонидан 1996 йили Исабаева Мунира номига берилган 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги № 361364 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БУ ОЛАМНИНГ СИРЛАРИ КЎП...

БИЛАСИЗМИ?

Биз яхши билган водка араблардан Европага ўтган ва фақат 1398 йилларда Литва орқали Россияга утган. Бу ҳақда рус халқининг урф-одатлари деган китобда М. Забилин яхшигина ёзган. Унинг ёзишича руслар водкани аввалига дори сифатида ишлатган.

* * *

Рус урф-одатлари китобида ёзилишича руслар илгарилари сочларини тоза олишган ва фақат бирон қариндоши қазо қилганидагина улар соч соқолларини олишмаган. Аммо соқол кўпинча умуман олинмаган ва кимнинг соқоли қанча узун ва кўп бўлса у шунча обрўли ва кўркам саналган.

* * *

Руслар илгарилари қўл рўмолча тутишмаган. Қўл рўмолча кейинчалик уларга ҳам кириб келган. Аммо қўл рўмолчани улар чўнтакка солишмаган, телпакда ушлаганлар. Қўл рўмолча чеккалари сочоқли қилиб тайёрланган. Ўша пайтларда қўл рўмолчасиз ҳам вазиятдан чиқиш мумкин бўлган. Бурунни дастурхон атрофида қоқиб қўлни дастурхонга артиш уят саналмаган.

* * *

Мўғул татар босқинидан кейин руслар тарихдан тайёрланадиган бўза ичимлиги тайёрлашни урганишади. Рус урф-одатлари китобида ёзилишича татарлар бу ичимликни ёқтириб истеъмол қилишган. Ксенофонт деган киши бу ичимликни арманларда ҳам кўрганини ёзади.

* * *

Русларда XII-XVII асрларда кўп ишлатиладиган кийим бош номлари кўп учрайди ва улар бизнинг турки номлар бўлиб кейинчалик муомаладан чиқиб кетган. Штани, кушак, зипун, кафтан, тегилай, терлик, епанча, кунтуш ва бошқалар.

* * *

Русларда аёллар ўрта асрларда шунчалик оқ рангларга бўянишганларки ўзларини ниҳоятда кўримсиз ҳолатларгача бориб етишган. Аммо оқ бўёқларга бўёлмаган аёлларни шу билан бирга ҳатто черковларга ҳам қўйишмаган. Масалан Михаил Федоров даврида бир малика ўзи чиройли бўлиб бўянишни хоҳламаган. Аммо 1661 йили уни черковга қўйишмаган.

ТАБИАТ БУТУН БОРЛИҒИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Т. ХАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.

Спорт хабарлари

БОШ МУРАББИЙ ТАЙИНЛАНДИ

Маълумки, шу кунга қадар футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командасининг бош мураббийси йўқ эди. Яқинда мамлакат футбол федрациясида мураббий танлаш анжумани бўлиб ўтди ва «Самарқанд» командасининг устози Маҳмуд Раҳимов терма командага бош мураббий этиб сайланди. Унинг асосий вазифаси футболчиларимизни бўлажак Осиё чемпионатининг саралаш учрашувларига тайёрлаш.

Саралаш мусобақалари шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтади. Бизникилар Бангладеш, Шри Ланка, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирлиги футболчиларига қарши майдонга тушади.

ЯНА БИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Фарғоналик ҳамюртимиз Козим Саримсоқов кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Козим беллашувларда асосан Россия, АҚШ ва Хитой кикбоксчилари билан беллашиб, ҳаммасини осонлик билан мағлуб этди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Хитойда дзюдо кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Дзюдочиларимиз ҳаммаси бўлиб битта олтин, битта кумуш, бешта бронза медалига эга бўлдилар. 90 килограммгача бўлган дзюдочилар орасида Армен Багдасаров Осиё чемпионлигига эришди.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Футбол бўйича мамлакат кубоги мусобақаларининг 1/8 финал босқичи ниҳоясига етиб, голиб командалар 2000 йилга қадар тайёргарликни кучайтирадиган бўлишди. Шундай қилиб, 1/4 финалда «Пахтакор», «Насаф», «Самарқанд», «Суғдиёна», «Нефтчи», «Дустлик» ва «Семурғ» командалари ўзаро баҳслашади.

УКРАИНА ФУТБОЛИДА НИМА ГАП!

Яқинда Украинада ҳам миллий чемпионат ўз ниҳоясига етди. Дунёга машҳур «Динамо» (Киев) командаси 74 очко жамғарган ҳолда мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса Донецкнинг «Шахтёр» футболчиларига насиб этди.

МАТТЕУСНИНГ ОРЗУСИ

Айни паллада дунёдаги футболчиларнинг энг кексаси ҳисобланадиган 38 ёшли Лотар Маттеус (Германия) келгуси йилдан бошлаб АҚШда ўйнамоқчи эканлигини ошкора этди. Бунинг учун у йилига икки миллион (2.000.000) марка олиб туради.

Нормурод МУСОМОВ.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 0538, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.30

1 2 3 3 4 6.